

2004-3

Иш ҳолатларига тўғри ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги маҳкум ҳаракатларининг нотўғри квалификация қилинишига олиб келганлигига апелляция инстанцияси суди эътибор қилмаган.

Жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман судининг 2003 йил 5 ноябрдаги ҳукмига асосан Т. ЖК 104-моддаси 3-қисмининг «д» банди билан судланган.

Т. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

Х. 2003 йил 13 июль куни соат 22 лар атрофида маст ҳолда Т. яшайдиган уйга келган ва ундан ўғли Қ.ни чақириб беришни сўраб, ўғлининг ундан 5000 сўм қарзи борлигини, пулни бермаётганлигини айтган.

Т. ўғли Қ.нинг уйда йўқлигини билдирганида, Х. унга ўғлининг уйда яшириниб ўтирганини айтиб, ундан Қ.ни топиб беришни талаб қилган.

Х.нинг бу гапидан жаҳли чиққан Т. у билан жанжаллашиб, Х.нинг юз ва бош қисмларига қўли билан қасддан уриб, унга ўртача оғирликда тан жароҳати етказган. Х. орадан беш кун ўтиб, 2003 йил 18 июль куни марказий касалхонага мурожаат қилган ва шу касалхонада 2003 йил 23 июль куни вафот этган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 11 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда апелляция инстанциясининг ажримини бекор қилиб, жиноят ишини янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юбориш сўралган.

Вилоят судининг раёсати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 104-моддаси 3-қисмининг «д» бандида қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлишига сабаб бўлган ҳолат учун жавобгарлик белгиланган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Т. томонидан содир этилган қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибат-ўлим ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини текширмаган ва унга тегишли ҳуқуқий баҳо бермаган.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга кўра Х. унга жароҳат етказилганидан сўнг беш суткадан сўнг шифохонага мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, марҳум Х.да аниқланган пастки жағ суягининг синиши жароҳати ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига киради. Х.нинг ўлими эса, унга ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатилмаганлиги сабабли жағ ости ва бўйин соҳаси-флегмонаси (тери ости юмшоқ тўқималарининг йиринглаши) асорати бўлган сепсис оқибатида келиб чиққан.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди томонидан Жиноят-процессуал кодекси 22-моддасининг иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши шартлиги ҳақидаги талабига амал қилинмаган.

Иш материалларига қараганда, гувоҳ М. дастлабки тергов даврида марҳум Х.ни Т.нинг укаси С. ҳам урганлигини кўрганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Кейинчалик дастлабки тергов даврида ва судда гувоҳ М. марҳум Х.ни фақат Т. урганлигини кўрсатган.

Гувоҳ М. марҳум Х.нинг ота-онаси ва оила аъзолари номига ёзган хатида ва апелляция инстанцияси суди мажлисида берган кўрсатувида юқорида қайд қилинган кўрсатувларини ўзгартириб, Х.ни Т.дан ташқари унинг укаси С. ва унинг ўғли Д.лар уриб, тегишганини баён қилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди гувоҳ М.нинг нима мақсадда ва қандай ҳолатларда жабрланувчиларнинг номига тушунтириш хати ёзиб берганлиги ва кўрсатувларини ўзгартириш сабабларини чуқур текширмаган ва бу ҳолатларга ўз ажримида тегишли баҳо бермаган.

5пр-35-04 сонли қарор